

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 23 декабрь, № 274 (8336)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОГИСТОН: ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ ДАВР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 21-22 декабрь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.



Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Қозоғистон билан ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик асосланган муносабатларни ривожлантириш йўлидан бормоқда. Халқларимиз нафақат яқин қўшни, балки қардош сифатида кўп қиррали ҳамкорликнинг барча масалалари бўйича азалдан бир-бирларини тушуниб, қўллаб-қувватлаб келган. Мамлакатларимиз яхши қўшни ва ўзаро манфаатли ҳамкор сифатида тараққиёт йўлидан елкама-елка бормоқда.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 22 декабрь кунини бўлиб ўтди. Шу кунини Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан биргаликда Тошкент шаҳридаги Шайх Хованди Тоҳур ва Тўлабий макбараларини зиёрат қилди.

Шайх Хованди Тоҳур XIV асрда яшаган олим ва сўфий, Аҳмад Яссавий таълимнинг давомчиси бўлган. Инсонларни илм-маърифатга, етакчилигини тинчлик-аҳилликка қорлаган валии зот сифатида халқ хотирасида қолган.

Шайх Хованди атрофи азиз қадамжого айланган. Хусусан, XVII асрда бу ерга Тўлабий дафн этилган. Қалдирғочбий деб ҳам аталган бу инсон қозоқ элининг бош қозиларидан ҳамда "Жети Жарги" қонулар тўпламининг тузувчиларидан бири бўлган. Енма-ён жойлашган бу макбаралар ўзбек ва қозоқ халқлари азалдан бирга яшагани, қардош ҳамфикр бўлганининг яна бир далилидир.

Қозоғистон раҳбари макбаралар тарихи билан танишиш, ободонлаштириш ишларини кўздан кечириди. Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди. Қосим-Жомарт Тоқаев қардош халқларимизнинг умумий тарихий-маданий меросини асраб-авайлашга қаратилаётган эътибор учун Ўзбекистон Президенти ва халқига миннатдорлик билдирди.

Тошкент шаҳридаги Халқаро конгресс марказида Қозоғистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Қосим-Жомарт Тоқаев шоҳжўрага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат маҳияли янгради.

Фахрий қоровул бўлинмаси бошлиғи рапорт берган, давлат раҳбарлари қоровул сафи олдидан ўтиб, ўзбек ҳарбий хизматчиларини кулладилар ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроғига ахтиром кўрсатдилар.

Президентлар расмий делегациялар аъзоларини бир-бирига таништирди. Сўнг давлат раҳбарларининг тор доирадаги музокаралари бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида Ўзбекистон раҳбари Қозоғистонлик ҳамқасби ва кўп миллатли Қозоғистон халқини 16 декабрь кунини нишонланган Мустақиллик кунини билан самимий табриқлади.

Етакчилар ушбу музокаралар Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари ривожига янги кучли суръат бағишлаганига ишонч билдирдилар.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистон Ўзбекистоннинг энг яқин ва ишончли ҳамкори эканини таъкидлади.

— Ўзбек ва қозоқ халқлари — нафақат яқин қўшни, балки муштарак тарихий мерос, маданий ва маънавий қадриятлар билан боғланган қардошлардир. Бу бизнинг бебаҳо бўлигимиз, биз уни қадрлаймиз ва қадрлашга давом этаемиз. Бизнинг тақдиримиз бир, келажагимиз ҳам умумий, мен бунга ишонман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, энергетика, қишлоқ хўжалиги, сув ва бошқа соҳалардаги муносабатларни тубдан кенгайтириш масалалари музокараларнинг асосий мавзуси бўлди.

Кейинги олти йилда ҳамкорликнинг барча йўналишида сезиларли муваффақиятларга эришилгани таъкидланди. Икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлиги ва идоралари, ҳудудлари ўртасидаги мулоқотлар мунтазамлик касб этган. Минтақавий ва халқаро кун тартиби юзасидан фикр алмашилди, Марказий Осиёнинг барқарор тараққиётини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни бундан бундан ҳам давом эттиришга интилиш қатъий экани таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Президенти

Қосим-Жомарт Тоқаев музокараларни икки мамлакат делегациялари иштирокида кенгайтирилган тарихий давом эттирдилар.

Давлатимиз раҳбари кўп қиррали ва ўзаро манфаатли Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигининг барча йўналишида салмоқли натижаларга эришилаётганини таъкидлади.

— Халқларимиз тарихи ва тақдири чамбарчас боғлиқ, биз эту тирок бўлиб кетганмиз, долзарб масалаларни биргаликда ҳал қилаямиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз шу кунларда Ўзбекистон бўйлаб қозоқ халқининг буюк фарзанди, шоир ва мутафаккир Абай Қўнонбоевнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар ўтаётганини мамнуният билан қайд этди.

Бундай тадбирлар халқларимиз бир-бирининг шонли тарихи ва бугунги ҳаётига катта қизиқиш билан қараётганини тасдиқлаб, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

— Бугун иккита тарихий ҳужжатни имзолаймиз. Қардош халқларимизнинг туб манфаатларига жавоб берадиган ҳамда Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатлари тарихида янги босқич бошлайдиган Иттифоқчилик тўғрисидаги шартномани алоҳида қайд этмоқчиман. Иттифоқчилик — давлатлараро ҳамкорликнинг энг юқори даражаси, ўзаро ишонч белгиси. Шу билан умумий келажагимизни биргаликда қуришга интилишимизни тасдиқлаяёмиз. Давлат чегараларини демаркация қилиш тўғрисидаги шартнома алоқаларимиз мустаҳкамлагандан далolat беради, минтақада тинчлик ва хавфсизлик мақсадларига хизмат қилади. Чегараларимиз доимо дўстлик ва яхши қўшничилик ҳудуди бўлган ва шундай бўлиб қолади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Қозоғистон Президенти икки томонлама муносабатларнинг бугунги юксак даражасини мамнуният билан қайд этди.

— Муштарак тарихга, халқларимизнинг қардошлиқ ришталарига таяниб, Қозоғистон ва Ўзбекистон мустаҳкам, уйғун муносабатларини йўлга қўйдилар, — деди Қосим-Жомарт Тоқаев.

Қозоғистон етакчиси имзоланмадиган шартномалар янги қўшқлар очгани ҳамда

икки мамлакатнинг янада яқинлашишга муштарак интилишларини тўлиқ ифода этишни таъкидлади.

Шавкат Мирзиёевга бунёдқорона сиёсати ва Қозоғистон — Ўзбекистон муносабатларини мустаҳкамлашга қўшаётган улкан хиссаси учун миннатдорлик билдирди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган конституциявий ислохотларни қўллаб-қувватлашни таъкидлаб, ушбу ислохот Ўзбекистон тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор бўлишига ишонч билдирди.

Икки томонлама ҳамкорликнинг ўзаги иқтисодий экани, икки мамлакатнинг улкан салохиятидан фойдаланишга эътиборни қўйириш лозимлиги таъкидланди.

Хусусан, охириги беш йилда ўзаро савдо ҳажми икки баробардан зиёдга ортди, жорий йил якунида эса беш миллиард долларга яқинлашди. Талаб юқори бўлган маҳсулотларни ўзаро етказиб беришни қўлайитириш орқали яқин йилларда товар айирбошлашни қаррасига ошириш мақсадида Бош вазирлар ўринбосарлари бошчилигида ишчи гуруҳ тузиш ва қўшма ташқи савдо компаниясини ташкил этишга келишиб олинди.

Кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди. Энди энергетика, автомобилсозлик, кимё, электротехника, қурилиш, логистика ва бошқа соҳаларда йирик лойиҳаларга старт берилиши мамнуният билан қайд этилди.

— Ҳозирда лойиҳаси ишлаб чиқилаётган Халқаро саноат кооперацияси маркази янги лойиҳаларни шакллантириш учун муҳим майдон бўлишига ишонман, — деди давлатимиз раҳбари.

Ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорликнинг улкан салохиятидан максимал даражада фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Жумладан, кунча утган бизнес-форумда янги инвестиция битимлари ва савдо шартномаларнинг салмоқли тўплами имзоланди.

Яна бир муҳим йўналиш — энергетика. Давлат раҳбарлари энергетика қувватларини модернизация қилиш ва қуриш, геология қидируви ва табиий газни чуқур қайта ишлаш бўйича лойиҳаларни илгари суришга келишиб олдилар.

Транзит салохиятидан фойдаланиш ва уни ошириш ҳамкорликнинг муҳим соҳаларидан бири сифатида қайд этилди.

— Бугун биз юк ташилларнинг барқарор ўсишига эришдик, икки томонлама ва транзит ташиллар учун қўлай шароитлар яратишга келишдик. Юк ташил ҳажмини бир неча баробар ошириш мақсадида транспорт инфраструктурасини кенгайтиришга қаратилган лойиҳаларни тезлаштиришга аҳдлашиб олдик, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентлар парламентлараро мулоқотлар ва маданий-гуманитар алмашинувлари янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш муҳимлигини таъкидладилар.

— Олий даражадаги барча келишувлар ижросини мониторинг қилиш учун Парламентлараро кенгаши имкониятидан фойдаланиш зарур, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Президентимиз Остона шаҳри марказида буюк ўзбек шоири, давлат арбоби Алишер Навоий ҳайкалининг ўрнатилиш ҳақида қарор қабул қилингани учун миннатдорлик билдирди.

— Бу умумий тарихимиз ва маданиятимизга катта ахтиромнинг ёрқин тасдиғи, қардош халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари абадийлиги раъсидир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари умумий маданий-тарихий меросимизни ўрганиш ва оммалаштириш бўйича қўшма тадқиқотлар ўтказиш, шу мақсадда телевидение, радио ва веб-сайтдан иборат қўшма ахборот ресурсини ташкил этиш, буюк ёзувчи ва шоирларимиз асарларини нашр қилишни тақлиф этди.

Музокаралар якунида икки давлат ҳукуматларига эришилган барча келишувлар ижросини қатъий назоратга олиш ва тегишли "Йўл харитаси"ни келишиш топширилди.

Ўзбекистон — Қозоғистон саммити якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев тарихий ҳужжатлар — Иттифоқчилик муносабатларини ўрнатилиш тўғрисида шартнома ва Ўзбекистон — Қозоғистон давлат чегарасини демаркация қилиш тўғрисида шартномани имзолادилар.

Бундан ташқари, икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлиги ва идоралари, йирик компаниялари даражасида кўп қиррали ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга қаратилган 15 та ҳужжат қабул қилинди.

"Марказий Осиё" халқаро саноат кооперацияси марказини ташкил этиш тўғрисида, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида, Олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, 2000 йил 7 июлдаги Фуқароларнинг ўзаро келиб-кейтиш шартлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида баённома шулар жумласидан.

Шунингдек, стратегик ислохотлар, электрон савдонини ривожлантириш, ўрмон хўжалиги, давлат хизмати соҳаларида меморандумлар, Тошкент ва Туркистон, Навоий ва Қизилўрда, Жиззах ва Туркистон вилоятлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид "Йўл хариталари", энергетика, кимё саноати, транспорт ва логистикада лойиҳалар амалга ошириш бўйича битимлар қабул қилинди.

Ташриф доирасида жами 8 миллиард долларлик савдо ва инвестиция шартномалари имзоланди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчилари оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказдилар.

Қардош ўзбек ва қозоқ халқлари кўп асрлик дўстлик ришталари билан чамбарчас боғлангани таъкидланди.

— Умумий тарихимиз, маданий ва маънавий қадриятларимиз, аёна ва урф-одатларимиз бизни бириштириб туради. Қозоғистон Ўзбекистон учун энг яқин, ишончли ва давр синовидан ўтган ҳамкордир. Бугунги мураккаб замонда ўзаро муносабатларимиз давлатлараро ҳамкорликнинг намунаси бўла олади, деб ҳеч мулобағасиз айтишимиз мумкин, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз бўлиб ўтган музокаралар Ўзбекистон ва Қозоғистон икки томонлама муносабатлари хар томонлама ривожлантириш ва бойитиш, уларга сифат жиҳатидан янги амалий мазмун беришга таъйирлигини яна бир бор тасдиқлаганини таъкидлади.

Қардош халқларимизнинг туб манфаатларига тўлиқ жавоб берувчи Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг имзолангани ташрифнинг энг муҳим натижаси бўлди.

Бундан ташқари, давлат раҳбарлари даражасидаги Давлатлараро кенгаши тузилмоқда.

— Бу билан бир-биримизни фаол қўллаб-қувватлашга, замон ҳатларини олдига елкама-елка қатъий туришга таъйирлигимизни тасдиқладик, — деди Шавкат Мирзиёев.

Қабул қилинган навбатдаги муҳим ҳужжат — бирдор мамлакатларимиз ўртасидаги чегараларнинг ҳуқуқий расмийлаштирилишини тўлиқ якунига етказган Ўзбекистон — Қозоғистон давлат чегарасини демаркация қилиш тўғрисида шартнома.

— Бу чинакам тарихий воқеа. Ҳеч шубҳасиз, чегараларимиз доимо ҳақиқий дўстлик ва яхши қўшничилик ҳудуди бўлган ва шундай бўлиб қолади, — деди Ўзбекистон Президенти.

Фаол сиёсий мулоқот туфайли барча соҳада катта муваффақиятларга эришилгани, кенг кўламли ҳамкорлик жадал суръат билан ривожланиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Кейинги йилларда ўзаро савдо ҳажми икки баробар ошгани ва беш миллиард долларга яқинлашгани бунинг тасдиғидир.

— Биз учинчи мамлакатларнинг қиммат импортни ишлаб чиқарувчиларимиз маҳсулотлари билан тўлдириш орқали бу курсаткиларни яқин орада қаррасига оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу муносабат билан Бош вазирлар ўринбосарлари бошчилигидаги ишчи гуруҳи шакллантириш ва ўрнини босиш режалаштирилаётган маҳсулотларни тизимли етказиб бериш учун қўшма ташқи савдо компаниясини ташкил этиш юзасидан келишувга эришилди.

Аёнавий равишда бир-бирини тўлдириб турган тармоқларда саноат кооперациясини чуқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

— Биз, шунингдек, ўзаро манфаатли янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун муҳим майдон бўладиган Халқаро саноат кооперацияси марказини барпо этишга киришамиз, — деди Ўзбекистон Президенти.

Музокаралар чоғида энергетика соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Энергетика объектларини қуриш ва модернизация қилиш, геология-қидирув ишларини бажариш, табиий газни чуқур қайта ишлаш борасида янги лойиҳалар амалга оширилиши таъкидланди.

Давлат раҳбарлари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди. Шу мақсадда икки мамлакат ҳудудларида турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва маҳаллий бозорларга етказиб беришга келишиб олинди.

Кун тартибидан транспорт ва логистика масалалари муҳим ўрин эгаллади. Транспорт-транзит салохиятини янада ошириш, янги темир ва автомобиль йўллари қуриш лойиҳаларини фаоллаштириш бўйича аниқ чоралар белгилаб олинди.

Давлат раҳбарлари трансегавий сув ресурсларидан ҳурмат ва ишонч руҳида биргаликда фойдаланиш борасидаги ҳамкорликни давом эттириш ҳамда Орол фозисининг оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни кўнатиришга таъйир эканликларини тасдиқладилар.

Парламентларнинг роли оқиб бораётганини ҳисобга олиб, кунин чиқарувчи ҳокимият органлари ўртасидаги алоқалар қўлайитирилади. Келгуси йилда Тошкентда Парламентлараро кенгашнинг биринчи мажлиси бўлиб ўтади.

Президентимиз музокараларда маданий-гуманитар ҳамкорликни чуқурлаштиришга катта эътибор қаратилганини таъкидлади.

Жорий йилда мамлакатларимиз дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини кенг нишонлади. Октябр ойида Олмаотада "Орол дурдонаси" кургазмаси, ноябрда Остонада Ўзбекистон маданияти кунлари, декабрь ойида эса Ёшлар конгресси муваффақиятли ўтказилди.

Шу кунларда Ўзбекистонда қозоқ халқининг ардоқли фарзанди Абай Қўнонбоевга бағишланган тадбирлар ўтмоқда.

— Абайнинг ўлмас мероси бугун ҳам минтақавий халқлари учун, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга, — деди Шавкат Мирзиёев.

Келгуси йилда ҳам маданият кунлари, қўшма кинофестиваллар, танқид санъаткорликнинг ижод кечаларини ўтказишга келишиб олинди. Бу қардош халқларимизнинг янада яқин бўлишига, умумий тарихий илдирилариимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Қозоғистон бугунги кунда глобал ўзгаришлар марказига айланган бораётган минтақавий тараққиёт ва раванқни таъминлаш борасидаги сазай-ҳаракатларини бириктиришини таъкидлади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТИНИ Қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармонида мувофиқ, шунингдек, экспорт фаолиятини қўшимча қўллаб-қувватлаш орқали маҳаллий маҳсулотларнинг янги истиқболли бозорларга кириб бориши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки: Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан экспортдоли ва экспорт билан боғлиқ савдо операцияларини молиялаштириш учун ажратилган молиявий ресурслар ҳисобидан берилган кредитларни ўз вақтида сўндириб келаётган тадбиркорлик субъектларига кредитнинг сўндирилган

қисмига мутаносиб равишда қўшимча кредитлар ажратишга рухсат этилади. 2024 йил 1 январга қадар Европа, Туркия, Миср ва Марокаш давлатларига газлама, трикотаж мато маҳсулотларини экспорт қилишда ташиш харажатларининг 70 фоизини компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилади.

2. Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (Ж. Ходжаев) икки ҳафта муддатда Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан тижорат банкларига экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортдоли молиялаштириш кредитлари учун молиявий ресурслар тақдим этиш ҳамда экспорт қилишда ташиш

харажатларининг бир қисминини компенсация қилиш тартибларига тегишли ўзгартириш киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж. А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 21 декабрь

ҲАМКОРЛИКНИНГ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШИ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ МИНТАҚАВИЙ ЖАРАЁНЛАРГА САЛМОҚЛИ ҲИССА ҚўШАДИ

Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи якунлари халқаро ижтимоий-сиёсий, бизнес ва эксперт ҳамжамиятларининг диққат марказида бўлиб турибди. Халқаро экспертлар икки давлат ўртасидаги алоқалар мустаҳкамлашни, Марказий Осиё минтақасида янги ҳамкорлик муҳитини қарор топтиришга хизмат қилаётганини таъкидламоқда.

Дунё нигоҳи

ЧЕ Ёнг Ха, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги собиқ элчиси:

— Жанубий Корея экспертлари Президент Шавкат Мирзиёевнинг қўшни давлатлар билан муносабатларни яхшилашга қаратилган ташаббуслари самарасида сўнги пайтларда янги

суръат касб этган Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик жараёнини катта қизиқиш билан кузатмоқда.

Минтақадagi икки йирик давлат — Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги кўп асрлик тарихий ҳамда маънавий-маърифий ришталар билан боғланган муносабатлар сўнги йилларда икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишончнинг юксак даражаси билан ажралиб туради.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН: ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ ДАВР

— Марказий Осиёда кўп қиррали ва узоқ муддатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш умумий барқарор тараққиётнинг кафолатидир, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини мунтазам ўтказиб бориш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Ўтказилган музокараларда нуфузли халқро ва минтақавий ташкилотлар доирасида мамлакатларимиз илгари сураётган ташаббусларни ўзаро қўллаб-қувватлаш амалиёти давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Умумий манфаатлар мавжудлигини ҳисобга олиб, томонлар БМТ, МДХ, ШХТ, ТДТ, ИХТ, ОХИЧ доирасида ҳамда "Марказий Осиё плюс" форматидagi ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олдилар.

— Қозоғистон Республикаси Президентининг мамлакатимизга давлат ташрифи давомида икки томонлама муносабатлар сифат жиҳатидан янги — стратегик шериклик ва иттифоқчилик даражасига кўтарилгани ҳақида хурсанд қилади. Муносабатларимизни зарур томонлама мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун барча сайёҳаркат ва имкониятларни йўналтирармиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев йирик қўшма инвестиция ва sanoat лойиҳаларини бошлаш бўйича тантанали маросимда иштирок этидилар.

Лойиҳалар орасида Навоий вилоятида комплекс ва фосфорли минерал ўғитларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, Тошкент вилоятида логистика марказини барпо этиш, Тошкент шаҳрида уй-жой ва тижорат инфратузилмасини қуриш, Қозоғистоннинг Қўстаной шаҳрида автомобиллар ва Қарағанди вилоятида маийш техника ишлаб чиқаришни алоҳида қайд этиш мумкин.

Президентлар лойиҳаларга start бериб, улар нафақат ўзаро savdo ҳажмини оширишга хизмат қилиши,

балки замонавий ишлаб чиқариш қувватларини, энг муҳими, минглаб янги иш ўринларини яратишига ишонч билдирдилар.

Шавкат Мирзиёев ва Қосим-Жомарт Тоқаев буюк қозоқ шоири Абай Қўнонбоев меросига бағишланган кўргазма доирасидаги экспозиция билан ҳам танишиб.

Абай қозоқ халқининг асрий орзуларини, адолат, инсонпарварлик ва қардошлик ғояларини тараннум этган. Унинг шеърий асарлари ва ноёб "Насихатлар" китобига жамланган ҳикмати сўзларини ўқиб, XIX аср охирида қозоқ даштларидаги турмуш ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Давлат раҳбарлари Қозоғистон музейларидан келтирилган ноёб экспонатлар, жумладан, Абай Қўнонбоев ҳаёти ва ижодида оид тарихий ашёлар, фотосуратлар, китоблар билан танишдилар.

Абайнинг уч торли дўмбираси, Қўнонбойнинг дўпписи, қўлёмнавири, адиб ва унинг оиласи тасвирланган фотосуратлар томошабинларда қизиқтирди.

Президентлар кўргазма билан танишиб, мамлакатларимиз маданий ҳаётидаги ушбу муҳим тадбирини тайёрлашга ҳисса қўшганларга миннатдорлик билдирдилар. Бундай тадбирлар дўстлик ришталаримизни мустаҳкамлашга хизмат қилиб, ўзбек халқида қардош қозоқ халқининг тарихига қизиқиш ғоят баландлигидан далолат бериши таъкидланди.

Умуман, олий даражадаги музокаралар кун тартибининг кенглиги ва эришилган келишувларнинг аҳамияти бўйича икки томонлама муносабатларда янги саҳифа очган тарихий воқеа бўлди.

Қардош Қозоғистон етакчисининг давлат ташрифи якунланди. "Тошкент" халқро аэропортида олий мартабали меҳмонни Президентимиз Шавкат Мирзиёев кузатиб қўйди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АБВАЛБЕКОВ,
ЎЗА мухбирлари.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШИ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ МИНТАҚАВИЙ ЖАРАЁНЛАРГА САЛМОҚЛИ ҲИССА ҚЎШАДИ

Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи мазкур мамлакатда бўлиб ўтган навбатдан ташқари Президент сайловидан сўнг амалга оширилди.

Шу нуқта назардан, бутун Марказий Осиё минтақасида ўзаро ҳамкорликнинг янги муҳитини шакллантиришга хизмат қилган, муваффақиятли мустаҳкамлашиб бораётган алоқалар, биринчи навбатда, Ўзбекистон раҳбариятининг фаол сайёҳаркатлари самараси бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида яқин шериклик бундан кейин ҳам жадал ривожланиб, Марказий Осиёдаги минтақавий жараёнларга салмоқли ҳисса қўшишига ишонаман.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти сифатидаги фаолиятининг бошидан Қозоғистоннинг умумий ўз мамлактаи ташқи сийосатининг асосий йўналиши сифатида белгилаб, минтақа давлатлари билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган тизимли амалий чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиди.

Йўлайманки, Марказий Осиё сиёсий барқарор минтақа бўлгани учун иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш ва кенгайтириш зарур бўлган ҳозирги шароитда бу сийосат энг прагматик ҳисобланади. Чунки хорижий инвесторлар, жумладан, Корея Республикаси сармоядорлари минтақадagi ҳар бир давлат билан минтақавий транспорт-логистика коммуникация инфратузилмасини ва иқтисодий ўзаро ҳамкорликнинг бошқа механизмларини шакллантириш призмасида шериклик муносабатларини амалга ошириш истиқболларини фаоллаштириш ниятида.

Ишонч билан таъкидлашим мумкинки, ташриф чоғида, шунингдек, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон — Қозоғистон минтақаларо бизнес форуми якунлари бўйича эришилган келишувлар, жумладан, икки давлат раҳбарлари ўртасида savdo-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида имзоланган битим, Самарқанд ва Туркистон шаҳарлари ўртасида, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалий инвестиция лойиҳалари ва savdo шартномаларини ўз ичига олган алоҳида "Йўл харитаси", умумий қиймати 8 миллиард доллардан ортиқ шартномалар тўғрисида savdo-иқтисодий ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга ҳамда икки давлат ишбилармон доиралари вакиллари ўртасидаги алоқаларни фаоллаштиришга хизмат қилади.

Фернандо МОРАГОН,
Евроосиёни ўрганиш маркази раҳбари, «Diario Arbat» онлайн нашри директори (Испания):
— Биз Испанияда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги муносабатларнинг та-

сирчан динамикасини яққол кузатмоқдамиз. Қозоғистон етакчисининг Ўзбекистонга давлат ташрифи Марказий Осиё минтақасида икки йирик ва иқтисодий қудратли қардош давлат ўртасида иттифоқчилик муносабатлари учун салмоқли салоҳият мавжуд эканлигини яна бир қарра тасдиқлади.

Давлатларо алоқалар мақомини иттифоқчилик даражасига кўтариш мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг мутлақо янги сифат даражасига бўлди.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг savdo-иқтисодий ҳамкорлик, жумладан, ўзаро товар айирбошлаш ҳамда иқтисодий шўжалиги, инвестицияларни жалб этиш, sanoat, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, транспорт, сув ҳўжалиги соҳаларидаги ўзаро алоқаларни ривожлантириш, энергетика, маданий-гуманитар, шунингдек, минтақавий ва халқро кун тартибининг қўллаб масалалари, жумладан, Афғонистондаги вазият билан боғлиқ қарашлари муштаракдир.

Шуни ҳам қўшимча тариқасида қайд этишим кераки, бугунги кунда жаҳонда уй бораётган мураккаб сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар шароитида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар, шўжасиз, бутун жаҳон ҳамжамиятига намуна бўлмоқда.

Ильгар ВЕЛИЗАДЕ,
«Жанубий Кавказ» сийосатшунос клуби раҳбари (Озарбайжон):

— Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг давлат ташрифи Ўзбекистонга жавоб ташрифи бўлди: 2021 йил декабрь ойида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга давлат ташрифи бўлиб ўтган эди.

Албатта, йил давомида минтақавий ва халқро динамикани тубдан ўзгартирган қўллаб воқеалар бўй берди ва бу томонлари ўзаро муносабатлар стратегиясига янги қарашга қорлайди. Бир нарсга ўзгаришсиз қолди — Марказий Осиё ўзаро тасвир векторига ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин бўлган барқарор тандемни шакллантириш истаги. Расмий Тошкент ва Остона алоқаларининг ҳаётийлиги ҳамда долзарблигининг тасдиғи сифатида ушбу ташриф натижаларига назар ташланса, буни яққол кўриш мумкин.

Бу галги ташрифининг муҳим жиҳати шундаки, Президентлар кўтарган мавзуларга назар ташланса, иқтисодий ҳамкорлик устувор йўналишлардан бири экани аёнлашади. Ўзбекистон ва Қозоғистон минтақанинги икки етакчи иқтисодиётлари бўлиб, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги иқтисодий

ҳамкорлик жараёнларининг бориши кўп жиҳатдан уларнинг ўзаро муносабатларига боғлиқ.

Ҳолид Таймур АКРОМ,
«Умумий келажак жамияти» таҳлилий маркази ижрочи директори (Покистон):

— Ушбу ташриф минтақавий ўзаро боғлиқликнинг энг муҳим даврида бўлиб ўтмоқда. Иккала етакчи ҳам минтақадa жуда машхур. Ўзбекистон Президентининг яхши қўшничилиги ва минтақавий ҳамкорлик ҳақидаги қарашлари Президент Қосим-Жомарт Тоқаевнинг «Янги Қозоғистон — янги ташаббус» динамика қарашларини тўлдирди. Шу боис икки томонлама муносабатлар ва минтақавий интеграцияга янги суръат бағишлаш учун кенг имкониятлар мавжуд.

Хар икки давлат раҳбарлари ўзаро манфаатли соҳаларда ҳамкорлик сайёҳаркатларини фаоллаштиришга ва икки мамлакат халқларининг фаровон келажағи йўлида иш олиб бормоқда.

Ташриф давомида ҳамкорликнинг қўшма дастурлари ва йўналишлари муҳожама қилинди. Шўжасиз, Ўзбекистон ва Қозоғистон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муваффақиятлар ҳамда барқарор ривожланиш йўлидан олға қадам ташламоқда.

Йўлайманки, бундай ташриф ва учрашувлар Марказий Осиё интеграциясини мустаҳкамлаш, умумий долзарб масалаларни бирдамлик руҳида ҳал этишда муҳим омил бўлади.

Рой Энтони РОЖЕРС,
Малай университетининг Халқро ва стратегик тадқиқотлар кафедраси профессори (Малайзия):

— Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи якунлари томонларини икки мамлакат ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва кенг қўлчиллик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги катъий интилишларини яна бир бор тасдиқлади.

Кейинги йилларда ҳамкорликнинг барча йўналишида сезиларли муваффақиятларга эришилди. Ташриф давомида имзоланган тарихий ҳужжатлар Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатлари тарихида янги босқични бошлаб беради.

Шўжасиз, Қозоғистон қўшни давлат сифатида Ўзбекистоннинг муҳим savdo-иқтисодий шерикларидан биридир. Буни ўзаро товар айирбошлаш ҳажми жадал ўсиб,

5 миллиард долларга яқинлашиб бораётгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида savdo-иқтисодий, энергетика, транспорт-логистика, қишлоқ, сув ҳўжалиги ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш учун улкан салоҳият мавжуд, деб ҳисоблайман.

Ҳамкорликнинг стратегик йўналишларидан бири транспорт соҳасидир. Шу нуқта назардан, икки мамлакатнинг ўзаро интеграцияланган автомобил ва темир йўллари Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон бизнеси вакиллари учун катта имкониятлар эшикларини очмоқда.

Ишончим комилки, олий даражада бўлиб ўтган музокаралар стратегик шериклик ва иттифоқчиликка асосланган кўп қиррали Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини янада ривожлантиришга янги қучли суръат бағишлайди.

Карл ХАДДАД,
мустақил эксперт (Франция):

— Марказий Осиё бўйича эксперт сифатида Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифини катта қизиқиш билан кузатдим.

Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини чуқурлаштириш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, қатор йирик қўшма сармоявий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича олий даражадаги музокаралар олиб бораётгани бундан ҳар икки давлат бирдек манфаатдор эканлигини англатади. Икки томонлама салмоқли ҳужжатлар тўпламининг имзоланиши мамлакатлар ўртасида ишончли муносабатлар қарор топганини тасдиқлайди.

Ўзбекистон ва Қозоғистонда чуқур ислохот ҳамда ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ҳар икки давлат прагматик ва мустақил ташқи сийосат олиб боришга интиломоқда. Ўзбек ва қозоқ халқларини яқин урф-одатлар ҳамда анъаналар, умумий тил гуруҳи, маданият ва дин бирлаштириб туради.

Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларининг кенгайиши томонларни қизиқтиради, ҳар икки давлат улкан иқтисодий салоҳиятга, қулай географик жойлашувга ва катта бозорларга эга.

Дунёда юзага келган мураккаб вазиятни ҳисобга олган ҳолда Марказий Осиё давлатларининг, жумладан, минтақанинги икки асосий мамлактаи бўлган Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг бир ёқдан бош чиқариб ҳамжамиятликда иш олиб бориши тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш ҳамда иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

«Дунё» АА.

ХАЛҚИМИЗНИНГ ФИДОКОРОНА МЕҲНАТИ ОРҚАЛИ ҲАР ҚАНДАЙ МАРРАНИ ЭГАЛЛАЙМИЗ

Дунёдаги 5 мингдан зиёд миллат ва элатлар ўзининг эркин ва фаровон яшашини таъминлаш мақсадида умр бўйи курашиб келган. Уларнинг бор-йўғи 196 та сийосат мустақил давлатчиликка асос солиш насиб қилган. Шулардан бири бўлган Ўзбекистонимизнинг дунё сиёсий саҳнасидаги обрў-эътибори тобора ортиб, жаҳон иқтисодиётига дадил интеграциялашаётгани халқро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Фикр



Айниқса, Президентимиз раҳнамолигида кейинги йилларда олиб борилаётган ислохотлар замирида халқ фаровонлигини оширишдек муҳим мақсадлар мужассамлашиб, ислохотлар самараси аллақачон кўзга ташланди. Кунни кеча Президентининг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида ана шу ютуқларимиз таъкидлангани ҳолда, олдимизда турган энг устувор вазифалар белгилаб берилди.

Сир эмас, олиб бораётган сайёҳаркатларимиз натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди, иқтисодиётга жорий йилнинг ўзида 8 миллиард доллар тўғрисида тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинди, экспорт ҳажми 19 миллиард долларга етди ҳамда пенсия ва ижтимоий нафақалар микдори минимал истеъмол харажатида кам бўлмаган даражада олдди чиқилди. Охириги олти йилда мамлакатимиз бўйича қарийб 300 мингта ёки аввалги йиллардагига нис-

батан 10 баробар кўп уй-жой қурилиб, эгаларига берилди, бу даврда қўшимча 500 минг ўқувчи ўрни яратилиб, уларнинг жами сони 5 миллион 300 мингта етказилган ҳам барчамизни мамнун этади.

Бу ютуқларимизнинг бир шингили холос. Келгуси йилда натижаларни янада яхшилаш ниятимиз бор. Шундан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари томонидан 2023 йилни "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб номлаш тақдирини илгари сурилди. Негаки, биз одамларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли ҳар қандай маррани забт эта оламиз. Ана шу эзгу интилишга бос равишда давлат бошқаруви ислохотлари талаб қилинади.

Шу сабабли ҳам давлатимиз раҳбари биринчи йўналиш сифатида мазкур масалага алоҳида урғу берди. Вазирликлар фаолиятидаги тақдорларнинг бартараф этилиши, шу мақсадда улар сони қисқартирилди. Худудлардаги бошқарув тизимини ислохотлари изчил олиб борилади, жумладан, Самарқанд ва Наманган шаҳарлари алоҳида маъмурий-худудий бириклар сифатида республика бўйсунувиға ўтказилади.

Инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар ва одамлар муносиб ҳаёт кечирishi учун зарур шарт-шароитлар яратилиш, камбағалликни қисқартириш "ижтимоий давлат" тамойили асосида янги Ўзбекистонни қуришининг асосий мақсади эканлиги, бу борада таълим-тарбия-

га эътибор қаратиш зарурлиги ҳам алоҳида таъкидланди. Шу мақсадда ўқитувчилар мақомини, улар шаъни ва қадр-қиммати ҳимояси Конституция даражасида белгиланди. Қолаверса, 2023 йилдан мактаб таълимини халқро таълим дастурлари асосида бунунлай ислох қилиш бошлаб юборилади, янги замон инженерлари тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, шунингдек, боғчалар сонини кўпайтириш, улардаги таълим ва тарбия сифатини тубдан яхшилаш бўйича беш йиллик дастур қабул қилинади.

Президентимиз келгуси йилдан туман ва шаҳарлар мавжуд шароити, салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб 5 та тоифага ажратилиши, ички имконият тўлиқ сафарбар қилиниб, хусусий сектор қўллаб-қувватланиши, тадбиркорлар учун субсидия, кредит ва компенсациялар тоифалардан келиб чиқиб ажратилиши, улар учун солиқ ставкалари ҳар жил қўланиши, илгор тадбирларга таянган ҳолда солиқ ва божхона мазмунчилиги жиддий ислох қилинишига ҳам урғу берди.

Шунингдек, Мурожаатномада яна қатор вазифалар белгиландики, уларни муваффақиятли амалга ошириш барчамиз, жумладан, биз, парламент вакилларида катта куч ва ирода талаб этади. Албатта, халқимиз кўмағида ушбу мақсадларга ҳам эришамиз.

Қобул ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Акс садо

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Мурожаатнома улкан ва серқирра ишларимизга асос бўлади, десам, айна ҳақиқат. Зеро, унда белгиланган қарамай, халқимизнинг қарамай қилиниб олган ҳолда Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, кўмиталар ўзларининг истиқболли иш режаларини тузади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, жаҳонда пандемия, чуқур иқтисодий ва сиёсий инқироз, қарама-қаршилиқлар ҳукм сураётганига қарамай, халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати туфайли муваффақиятларга эришилмоқда.

Сўнгги олти йилда sanoat корхоналари сони икки баробар ошгани боис электр энергиясига бўлган талаб ҳам ортмоқда. 2023 йилда Ўзбекистон 4,5 минг мегаватт қувватга эга ўндан ортиқ йирик лойиҳаларни амалга оширади. Бу, шўжасиз, иқтисодиётни либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар самарасидир. Шунингдек, 2023 йилда тайёр маҳсулот экспортини 2 миллиард долларга ошириш асосий мақсад ҳисобланади. Ўзбекистонга қарийб 30 миллиард доллар сармоа жалб қилинади, шундан 25 миллиард доллар хусусий инвестициядир.

Умуман олганда, Мурожаатнома асосида барча соҳа ривожига хизмат қиладиган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий йўналишлар ҳаётга татбиқ этилади, десак, муболага бўлмайд.

Гулруҳ АГЗАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Таълим тизимини самардорлигини юксалтиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири, бу — ўрта махсус касб таълимининг сифати ва имкониятларини оширишдир.

Жаҳон таърибасига кўра, ишлаб чиқаришда асосий ишчи кучи ҳисобланган ҳамда мамлакатнинг инновацион ривожланишида муҳим ресурс бўлган ўрта махсус таълим мутахассисларини тайёрлаш орқали жамиятнинг ижтимоий фаровонлиги ва давлатнинг иқтисодий ўсиши эришиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада ушбу масалага алоҳида тўхталиб, мактаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмаган кириб келаётгани боис 700 дан ортиқ касб-хўнар мактаби, коллеж ва техникумлар имкониятидан самарали фойдаланиш тақдирини берди.

Донлар фикри биридан цивилизация тарихини олти сўзда ифодалаш мумкин: қанча кўп билсанг, шунча кўп қодирсан.

Ишончимиз комилки, тарихий ҳужжатда белгилаб берилган устувор йўналишлар ижроси мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилади.

Абдуғани УМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Жорий йилда мураккаб вазиятга қарамадан мамлакатимизда олиб бориладиган ислохотлар натижасида ишлаб чиқариш суръати таъминланиб, кўплаб йирик ва кичик ишлаб чиқариш объекти янгидан ишга туширилади, ялпи ички маҳсулот ўсиши таъминланди. Эндиликда худудлар ўртасидаги иқти-



бошлаб туман ва шаҳарлар мавжуд шароити, салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, 5 та тоифага ажратилади.

Хусусан, тадбиркорлик учун ҳар томонлама ривожланган 26 та туман — 1-тоифага, инфратузилмаси яхши бўлган 46 та туман — 2-тоифага, шароити нисбатан қоникарли бўлган 76 та туман — 3-тоифага, жоизбадорлиги етарли бўлмаган 40 та туман — 4-тоифага, шароити оғир бўлган 20 та туман — 5-тоифага тўғри келади. Эътиборлиси, мазкур тоифаларга қараб туманларнинг иқтисодий ривожланиши белгиланади. Тадбиркорлар учун худуд шароитидан келиб чиққан ҳолда, табақалаштирилган солиқ ставкалари белгиланади. Мисол учун, бешинчи тоифага кирувчи, шароити энг оғир бўлган 20 та туманга айланмадан олинадиган солиқ, фойда солиғи, ижтимоий солиқ ставкалари 1 фойз микдорда белгиланади.

Мазкур туманлардаги тадбиркорлар ер ва мол-мулк солиқлари бўйича ҳисобланган сумманинг атиги 1 фоизини тўлайди. Яқка тадбиркорлар қатъий ставкадаги солиқларни тўлашдан озод этилади. Худди шундай, бошқа тоифадаги туманларда кредитларга пайсаятирилган фойз ставкаларини қўллаш, инфратузилма харажатларини давлат томонидан қоплаш каби бир қатор энгилликлар берилади. Бу каби имкониятлар худудлар иқтисодиётининг ривожланишига, тадбиркорлик субъектлари сони ошишига хизмат қилади.

Шунингдек, келгуси йилда экспортга маҳсулот чиқарувчи корхоналар учун бугунги кунда энг долзарб бўлган тайёр маҳсулотлар сотиш, чет элларда savdo ўйлари ва дўноқлар ошишга кенг имкониятлар яратилиши, божхона тартиб-таомиллари 9 босқичдан 3 босқичга туширилиши мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти янада орттишига хизмат қилади.

Умуман, Мурожаатномада илгари сурилган ташаббуслар, белгилаб берилган аниқ вазифалар эл-юртимиз тинчлиги, Ватанимиз равнақи ва

халқимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаети.

Мавлуда ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

Мушоҳада

Инсониятнинг бугунги турмуш тарзи, яшаш шароити ва эришган ютуқлари бир неча минг йиллар давомида шаклланган ҳаётий тажрибалар самараси ҳисобланади...

«ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ» — МУҲИМ ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ



Саноатни ривожлантиришнинг фундаментал асослари Буюк Ипак йўли чорраҳасида, ўлкада яшаш ўтган алломаларимиз ал-Фароний, ал-Хоразмий, ал-Беруний, Мирзо Улуғбек каби улуг зотлар томонидан яратилди...

Бунинг натижасида ҳайвонот оламининг кўпайиб турари йўқ бўлиб кетмоқда. Статистика маълумотларига қараганда, дунё бўйича кейинги 30 йил ичида ҳайвонот оламининг 8 — 10 фоизи қирилиб кетди...

Шунингдек, охириги 50 йил ичида дунёда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ичимлик суви 60 фоизга камайди. Хар йили саноатда фойдаланилган 150 — 160 километр куб сув дарёлар, кўлларга оқизилди...

қилади. Эътиборлиси, бу давлат ўзиникини қайта ишлаш билан бирга, хориждан ҳам чиқинди сотиб олиб, қайта ишлайди ва даромад олади...

Электр энергияси ишлаб чиқариш бора-бора Хитой жаҳонда экинчи ўринни эгаллайди, айниқса, «яшил энергия» бўйича улкан салоҳиятга эга. Умумий электромвозанатда қайта тикланувчи энергия гидроэлектростанциялар билан биргаликда 20 — 22 фоизни ташкил этади...

АҚШ саноати ривожланган ва иссиқлик энергетика ресурсларига бой мамлакат бўлиб, унинг 15 штагида кўмир қазиб олинадиган, 26 та штагида машиналар ишлаб чиқариладиган, электроника соҳаси ривожланган. Дунё миксидега самолётларини 55 — 60 фоизи шу мамлакат заводларида тайёрланган...

Бу мамлакатда қуёш энергияси асосида электрэнергия ишлаб чиқариши 2030 йилда 15, 2050 йилга бориб 27 фоизга етказиш режалаштирилган. АҚШда энергоресурс сифатида биологиклар кенг қўлланилади...

Россияда ҳам энергоресурсларга бўлган талаб йилдан-йилга ошиб бораётгани сабабли Россиянинг 2035 йилгача бўлган энергетика стратегияси қабул қилинди. Ваҳоланки, сайёраимизнинг 22 фоиз ўрмони ҳамда ичимлик суви захирасининг 20 фоизи шу мамлакатда жойлашган...

Бу юртда ҳам чиқиндилар энг долзарб муаммо ва йилгача йилгача 70 — 75 млн. тонна чиқиндининг атиги 20 — 25 фоизи қайта ишланади.

Режалар истиқболли, мақсадлар улкан

Ўзбекистон — табиий ресурсларга бой, муқобил табиат манбаларига эга мамлакат. Шундай шароитда «яшил иқтисодиёт»ни жа...

дал ривожлантириш учун барча қулайликка эга.

Албатта, бугун дунёнинг ривожланган ва ривожланмаётган мамлакатларидаги каби экологик муаммолар бизда ҳам мавжуд. 2021 йили табиий офат сифатида руй берган чанг бурони, яқинда Тошкент шаҳри атроф-муҳитининг ифлосланиш даражаси халқорол ўнқовлар бўйича энг юқори поғонага кўтарилгани барчамизни жиддий муҳолазага ундайди...

Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясидаги нутқи, Оролбўйи худудларини кўкаламзорлаштириш ташаббуси, айниқса, «Яшил макон» умумиллий госяи ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар тизимли ташкил этилаётганидан далолат беради...

2022 йил 2 декабрь куни давлатимиз раҳбарининг «2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «яшил иқтисодиёт»га ўтишига қаратилган ислохотлар самардорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди...

Мамлакатимизда ҳар йили аҳоли сони 450 — 500 мингга кўпайиб бормоқда. Ана шундай шароитда чекланган ер ва сув захираларидан унумли фойдаланиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, «яшил иқтисодиёт»ни ривожлантириш жуда ҳам аҳамиятлидир...

Ўзбекистонда «яшил иқтисодиёт»га ўтишининг асосий йўналишларидан бири бу ернинг экологик ҳолатини яхшилаш ва ундан самарали фойдаланиш ҳисобланади.

Ийдан-йилга мамлакатимиз аҳолиси кўпайиб, экин экиладиган ерлар қисқариб...

бориши натижасида пахта экиладиган ерларни қисқартириш орқали сердаромад тармоқлар — мева-сабзавотчилик, мойли экинлар экиш, жаҳон бозориди харидоригр озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга жиддий эътибор қаратишмоқда.

Хўп, ана қандай захира имкониятларимиз бор? Бир туман мисолида таҳлил қилинган бўлса, ўнлаб километрли ариқлар, каналлар ва дарёлар қирғоқлари мавжуд. Маҳаллий аҳолига шу жойлардан ер ажратиш, мевали кўчатлар экиш ташкил қилинса, яъни 100 метр ариқнинг икки қирғоғига 40 түп дарахт экса бўлади...

Ўртимизда электр энергия ишлаб чиқаришининг муқобил вариантлари кўп бўлиб, қайта тикланадиган энергия, яъни экологик тоза энергия ишлаб чиқариш ҳажмини 2030 йилгача 25 фоизга етказиш устувор вазифа сифатида белгилангани бежиз эмас.

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантиришда электр энергиясининг аҳамияти инобатга олинми, ушбу соҳага катта миқдорда инвестиция ажратилмоқда. Кейинги йилларда Япония, Жанубий Корея, Хитой ва Туркия давлатлари мутахассислари ёрдамида ишлаб турган иссиқлик электростанциялари реконструкция қилинди...

Экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқаришининг яна бир усули — шамол электростанцияларидир. Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистонда шамол электростанциясида электрэнергия ишлаб чиқариш имконияти 520 ГВтни ташкил этади. Ўртимизда шамол электростанциясининг қуввати 3 МВт вариантга энг самарали ҳисобланади...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида кичик ҳажмдаги қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кескин оширилишини қайд этди. Мисол учун, Тошкент вилоятида Олмалик, Бекобод комбинатлари ва бошқа йирик корхоналар ўз эҳтиёжлари учун миқ мегаваттлик қуёш электр станцияларини ўрнатса, йилгача...

Муқтасар айтганда, юксак тараққиёт ва фаровон ҳаётга эришиш, иқтисодиёт тармоқларини замонавий мезонлар асосида ривожлантириш, экологик муаммоларни ижобий ҳал қилиш нафақат давлатимиз, ушбу соҳа масъуллари, балки бутун халқимиз билан биргаликда амалга ошириладиган муҳим вазифа. Демак, бу борада илгари сурилаган эзгу ташаббус ва мақсадлар сизу бизга, барчамизга тааллуқли.

2,5 миллиард киловатт/соат электр ишлаб чиқарилади. Бу орқали Тошкент вилоятининг қарийб 30 фоиз электр истеъмоли таъминланади ва 500 миллион куб метр газ тежаллади.

Давлатимиз раҳбари ҳудди шундай асосда бошқа вилоятлар ҳам ҳисоб-китобларини қилиб, келгуси йил учун аниқ режаларини белгилаб олиши лозимлигини қайд этди.

Умуман, келгуси уч йилда барча давлат ташкилотларида қуёш панеллари ва иссиқ сув коллекторлари ўрнатилди. Ушбу мақсадларга 2 миллиард доллар миқдориди инвестиция жалб қилинади. Бунинг ҳисобидан уларнинг 60 фоизга электр ва газ истеъмоли «яшил энергия»га ўтказилади.

«Яшил иқтисодиёт»га ўтиши ва экологик муаммоларни тизимли рағбартаф этиш учун юртимизда энергоресурслар, сув ва ердан тежамкорлик билан фойдаланиш, электр энергияси ишлаб чиқариш ва чиқиндиларини қайта ишлашга инвестиция қилиниши, давлат-хусусий шериклик тамойилини қучайтириш зарур. Айни жараёнда халқимизнинг экологик саводхонлиги, билими, дунёқараши яхшилаш лозим.

Умуман олганда, «яшил иқтисодиёт»га ўтиш кенг қамровли, ўнлаб йўналишларга эга бўлган кўп тармоқли мураккаб жараён. Буларнинг барчаси юртимизда хориж тажрибасини кенг татбиқ этиш, инновацион ёндашув ва илмий тадқиқот ишларини жадал ривожлантиришни тақозо қилади.

Шу сабабли, Ўзбекистонда «яшил иқтисодиёт» ва экология номи билан кенг салохиятга эга бўлган илмий-тадқиқот институти фаолиятини йўлга қўйиш мақсада мувофиқдир. Бу институт олий таълим муассасаларидаги мавжуд экология кафедралари билан ҳамкорликда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш бораборида кенг қўлланил экологик тарғиботчи халқ йўлга қўйиши керак.

Таъкидлаш жоизки, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистратурасида «яшил иқтисодиёт» фани ўқитилмоқда. Университетида «Яшил иқтисодиёт ва тараққиёт» ижтимоий-иқтисодиёт, сиёсий, илмий, оммабоп ойлк журнали ташкил этилди.

Носир МАҲМУДОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.

МАҚСАД — ДУНЁ БОЗорИДАН МУСТАҲКАМ ЖОЙ ЭГАЛЛАШ

Юртимизда тўқимачилик тармоғини янгилаш суръатда ривожлантириш, келгуси йилда 5 миллиард АҚШ долларидан зиёд экспорт қилиш чоралари қўрилмоқда.



Хусусан, жорий йилнинг 7 ноябрь куни Президентимиз раислигида маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йўналишида соҳани тараққий эттириш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилиб, Европа давлатлари, Туркия, Миср, Марокашга газлама ва трикотаж мато экспорти учун транспорт ҳаражатларининг 70 фоизи қоплаб берилиши таъкидланди...

кил этилган пресс-турда журналистлар мазкур йирик корхона фаолияти билан яқиндан танишиди. — Албатта, биз тadbirkorлар соҳага оид ҳар бир ислохотдан катта нафаят кўрамиз, қулайликлар, имтиёзлардан руҳланиб, янги ишларга қўл урамиз, — дейди «Fergana global textile» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мўминжон Разақов. — Корхонамизнинг кластер даражасига чиқишида ҳам давлатимиз томонидан берилган қўллаб-қувватлов асос бўлди. Мақсадимиз юқори малакали мутахассислар ва замонавий технологияларга таяниб, сифатли маҳсулот ҳамда хизматларимиз билан жаҳон тўқимачилик бозориди етакчилар сафида бўлишга қаратилган.

Корхона, даставвал, тўқимачилик фабрикаси тарзида ташкил этилган. Худуд фермерларидан пахта толаси сотиб олиниб, уни йиғириш, бўйаш ва тўқиш билан шуғулланган. Бугунги кунда фабрика йирик кластерга айланди. У ерда мингга яқин аҳоли иш билан таъминланди. 13 минг гектардан зиёд пахта етиштириш майдони, пахта тозалаш, толасини йиғириш, бўйаш ва тўқиш корхоналари, шунингдек, лаборатория ҳамда стандартлаштириш марказлари мавжуд.

«Fergana global textile» вилоятда энг истиқболли корхоналардан бири, — дейди «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг Фарғона минтақавий банк хизматлари офиси бошлиғи Бахтиёр Нуриддинов. — Ташкил этилганидан буён банкимиз билан ҳамкорликда 4 та лойиҳа амалга оширилди. Дастлабки иккита лойиҳа бўйича хорижий кредит линияси ҳисобидан Швейцария, Германия, Италия, Туркия давлатларидан илгор тўқимачилик дастхоналари ҳамда технологиялар олиб келишга қўмақлашилди. Жорий йил бошидан буён...

яна икки марта кредит чиқарилиб, пахта хомашёсини етиштириш билан боғлиқ харажатлар моливий қўллаб-қувватланди. Айни пайтда кластер томонидан бир йўғим-терим мавсумида 40 минг тоннадан зиёдроқ ҳосил олинмоқда. Йиғирув фабрикасида кунига 35 тонна, трикотаж матолар буйича 20 тонна, бўйаш Ҷеҳида эса 30 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Экспорт географияси Италия, Испания, Германия, Португалия, Марокаш, Туркия, Хитой, Пошья, Миср, БАА, Бангладеш, Молдова, Покистон ҳамда МДХ мамлакатларини ўз ичига олади. Бу борадаги кўрсаткич жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига қўра, 45 млн. АҚШ долларидан ортди.

Пресс-тур давомида журналистлар тўқимачилик саноати мажмуасидаги уч тонфада ишлаб чиқарилаётган турли юнлар, бўйлаш трикотаж ва босма мато маҳсулотлари хусусиятлари ҳақида мутахассислардан батафсил маълумот олди.

Шундан сўнг «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг Фарғона минтақавий Банк хизматлари офисида матбуот анжумани ўтказилди. Унда трансформация ишларидан кейин молия муассасаси тармоғиди ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берилди.

— Мижозга йўналтирилган таъмоий асосида ишлар қўламини кенг, — дейди офис бошлиғи Бахтиёр Нуриддинов. — Биргина тadbirkorлар билан ишлашда уларни йирик (кооператив), ўрта ва кичик сегментларга бўлиб, масъул ҳодимлар (мижоз менежер) ўртасида тақсимланганми. Менежерлар ҳар бир мижоз кесимиди режа ишлаб чиқиб, улари билан индивидуал ишламоқда. Хусусан, корхона раҳбарлари билан яққа ҳолда музокаралар олиб борса, ишчи-ҳодимлари учун алоҳида учрашувлар ўтказилади. Бир сўбдакта ҳар икки мақомдаги мижозлар билан параллель ишлаш усули тизимда банк хизматлари оммалашувини оширишга хизмат қилмоқда.



Таъкидланганидек, жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига қўра, банкнинг Фарғона минтақавий банк хизматлари офиси томонидан юридик ва ҳисмоний шахсларга кўрсатилган хизматлар ўтган йилнинг шу давридагиға нисбатан 2 бараварга ўсган. 55 та лойиҳани молиялаштириш мақсадида 510,3 млрд. сўм миқдориди кредит ажратилган. Бунинг ҳисобига 360 дан зиёд иш ўринлари яратилган.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper. Includes contact information for the editorial office, subscription rates, and a QR code for digital access.